

Бир кун кон тенгизларинда ботган, тамуг ўтларинда кўмилган Шарк бир кун тинчлик ва тараккий бешиги эди. Бу кун оёқлар тагинда эзилган Шарк бир кун маданиятнинг йўлбошчиси, билим ва хунарнинг ўчоги эди. Оврўпа дунёси вахшат ва билмаслик чўлларинда обдираб[1] шовкин-тошкиг! юрар экан, Шарк дунёси бутун инсоният оламини саодат ва тинчлик ўчоқларига эришдурмак учун иш кўруб турар эди. Оврўпа(да) бир махалла оксоколлиги йўк экан, Шаркнинг «кўзкучинос», «барахма», «исо», «зардушт» ва Мухаммадлари бутун одам ўгулларини бир нуктада тўплаб тўгри ва билгили йўлга киргузмак учун тиришар эдилар. Чинлилар ёзиш учун когоз ясаганда оврўпалилар ўнг-сўл кўлларини бир-бириндан айира олмас эдилар. Замон бузгунлариндан кутулуб тарих дунёсинда колган Хитой маданиятининг излари бу кун дахи оврўпалиларни хайрон килмокдадир. Бу кун тирикликнинг хар ёгиндан караганда тараккий ва саодатнинг сўнг боскичини босиб ўтган оврўпалилар орасинда Хиндустонда бўлиб ўтган маданият замонларини кўрмагани учун кайгурган билгучилар бордир. Оврўпалилар дин ва килисо[2] таассубларига берилиб, билмасликнинг энг теран чукурларига тушган чоғда араблар, мусулмонлар, Юнон, Эрон ва Хиндустонда кўмулуб колган маданиятни тиргуздилар. Хинд ва Юнонда унутилиб колган билим, хунар, хикмат ва фалсафани бир ўрунда тўпладилар. Андалус, Миср(ни) бирор маданият мактаби, тараккий ўчоги, билим бешиги килдилар. Багдодда — араб санъатчилари соат ясаб, Оврўпага йубарганда Париснинг[3] у палладаги ангеллари[4] «бу кути ичида шайтон»лар бор деб соатни ташлаб кочган эдилар. Бугунги маданият ва магурр Оврўпанинг шахарларинда кам тинчлик ва осойиш йўк экан, Багдоддан Туркистонгача тинч ва осуда бормок мумкин эди. Мусулмон маданиятининг эгалари ёлгуз ўзларининг эмас, бутун бошарият дунёсининг тинчлик, тараккий ва саодати учун тиришар эдилар. Унлар хозирги маданий йиртгучилар[5] каби ўзлариндан бўлмаган миллатларни хайвон санамас эдилар. Тўгридурким, мусулмонлар дахи бошка миллатларга каршу уруш очдилар: тўгридирким, мусулмонлар дахи бошкаларнинг ўлкаларини олурга тиришдилар ва олдилар, лекин унларнинг жахонгирликлари бу кунги маданий Оврўпанинг жахонгирлиги каби олинган ўлкаларнинг улусларини таламок, эзмак, йикитмок учун эмас, унларни янглиш йўлдан кайтармок, унларнинг орасинда кириб «хак» дея топилган ўз фикрларини унларга кабул этдирмак, бутун дунё улусини «хак» ва «хакикат» теграсинда тўпдамок учун эди. «Байтулмакаддас»ни, Мисрни, Андалусни, Истанбулни олган мусулмон хукуматларининг у ерлардаги халкка берган хукуклари, колган ривоятлари тарих бетлариндан ўчурилмакдадир. Араб бошликлари бир ўлкани олганда у ердаги улуснинг тинчлигини сакламок учун бироз кўшун кўяр ва шул кўшуннинг чикимлари учун бироз солуг олар эдилар. Бирок ёвнинг юрушига чидамасдан шул ўлкани ташлаб чикмокчи бўлганда улус оксоколларини чакуруб «биз бу солуг окчаларини тинчлигингизни сакламок учун сиздан олган эдик. Бундан кейин тинчлигингизни саклай олмаймиз, шунинг учун бу окчаларингиз бизга харомдир» деб олган солугларини кайтариб кетар эдилар. Африкога кирган мусулмонлар Амрико ва Африкони боскон маданий оврўпалилардек ерли халкни битирмак учун тиришмадилар. Унларга маданият бердилар. Амрикога кўнок бўлуб кирган Оврўпа маданийлари Амрико ерли халкни битираёздилар, буни билмаган йўқдир. Африкони босиб олган Оврўпа жахонгирлари у ердаги кора халкни ўлат каби ўлдуруб туралар. Холбуки, мусулмонлар Африконинг Жазойир, Тунис, Фас[6] каби ўрунларини олгач, у ерларни тараккий этдурдилар, халкни тинчлантурдилар, унлар I дан буюк

одамлар етушдирдилар. Шарк ўзининг тарихи, сиёсати, хунари, инсофи, адолати, ахлоки ва хидмату эътиборлари билан унча юксалмиш, у кадар тараккий этмиш эдиким, тасавури ҳам бизнинг мияларимизга сигмайдур. Шарк маданий йиртгучи эмас эди. Шарк бошкаларнинг халklarини олмас эди. Шарк башариятнинг юксалиши учун тиришар эди. Шарк маданият ўчоги, инсоф бешиги, ахлоқ мактаби, билим мадрасаси эди. Биз, шарклилар, башариятга килган хидматларимиз учун бу кунги конли Оврупага карши яхшигина махтана олурмиз. Биз, шарклилар, маданият йўлинда тутдигимиз хидматларда давом этганда букун башарият дунёсини кўб юксак мавкёларда кўрмак мумкин эди. Негаким, Шарк билим, хунар йўлинда Оврупа жахонгирларидек ўрток кони ичмак ва оркадош уйин таламок учун эмас, инсонлик дунёсини юксалтирмок учун тиришар эди. Ёзуқлар, эсизларким, Шарк ўз йўлинда давом эта олмади, маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал коидатариндан бири шудир: бир улус тирикчилигининг хар тўгрисинда юксалиб, тараккий килиб тинчланса, бирор ёкда кучлирок бирон бири кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, окчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоки бузулур, тотлиги йўлдан чика бошлар. Биз, шарклилар, дахи тинчлик ва рохат сўнгинда бузулиб колдик, йўлдан оздик, эзгу тилақларимизни унута бошладик. Билим ва хунардан юз кайтардик, бирлик ва ахлоқдан айрилдук, окчага берилдик, окчага сотилдук, шунинг сўнгида Хитой, Турк, Форс, Араб ва Хинд мамлакатлариндан хар бири ўз кўнуги билан, ўз навбати билан тинчлик ва тараккий боскичлариндан куллик, йўксуллик чуқурларига юмалаб туша бошладилар. Шаркнинг бутун ишлари онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллалар, билимсиз эшонларнинг кўлига ўтди. Бунлар Шаркнинг бутун тузук ва интизомини бузуб юбордилар. Хонлар ўз коринларини тўйдирмок учун халкни бир-бири билан урушдирдилар, мамлакатнинг жонли ва мухим ўрунларини сотдилар, муллалар ўз иставларига «дин» отини токиб бозорга чикардилар, дин, тангри, пайгамбар, учмох ва тамуг оркали Шарк халкни талай бошладилар. Шаркнинг тараккий йўли кўмулди. Саодат ва тинчлик эшиклари богланди, саодатнинг энг юксак тепасига чиккан Шарк йўксулликнинг энг теран чуқурига тушди. Шаркнинг Хитойи, Эрони, Турони, Арабистон билан Хиндустони бариси бир туртки ўт билан, билмаслик ва гафлат ўти билан ёниб битди. Шарк гафлат ва билимсизлик тамугларига юмалаб ётатурган чоғда Оврупа кўзи уйкусиндан янгигина тура(р) эди. Оврупалилар узун ва зарарли гафлат уйкусидан уйгонгач, оч колган йиртгучилар каби Шарк устига отилдилар. Дунёнинг энг ёгли бир бўлаги бўлган Шарк йиртгучи хайвонлар орасинда колган семиз, лекин кучсиз бир кўй холатини олди. Оврупа йиртгучилари Шаркнинг хар ёниндан солдурдилар. Тиш, тирнокларига илинган ерларини йиртиб, узуб олабердилар. Боякиш Шарк ўз жонини куткаргали кўб тиришди, тебранди, кичкирди, додлади, югурди, хамла килди, кочди, кўркутди, ялинди, эсига келган хар йўлга кириб кўрди. Бирор осуг[7], бирор унум, бирор фойда кўра олмади, нега-ким, унга охсум[8] бўлган йиртгучиларнинг кучлари кўб, тиштироклари ўткир эди. Англизлар Хиндустонни ютдилар, Мисрни босдилар. Аданга келиб Арабистонга кўл узатдилар. Рус империалистлари Кафкасиёни таладилар, Туркистонга кириб, Хитой, Афгонга, Эронга кўз тикдилар. Франсўзлар Тунис билан Жазойирни гасб этиб, Фаластинга юкундилар. Ўзининг ибтидоийлиги билан тинчгина яшаб турган боякиш Африко китъаси Оврупа жахонгирлари орасинда бўлинди. Бу олиш-беришларнинг хеч бири урушсиз бўлмади. Оврупанинг оч «киргий»лари ўзларининг билимсиз, жохил дехконларининг бошларига нўхталар[9] солиб Шаркга тортдилар, унлар бирор нарсани онгламасдан Шаркдаги ишчи ва дехконлар узра солдурдилар, унларнинг ёзугсиз тинчгина ётган оркадошларини урдилар, ўлдурдилар, таладилар, талатдилар.

Шаркнинг ёзигсиз кишиларини ўз бойларига кул килиб бердилар. Оврупанинг ишчи ва дехконлари бу олиш-беришдан нима қозондилар? Битмас яралар, туганмас қайгулар, бошқа ҳеч йўк...! Оврупа жаҳонгирларининг Шарк сари юришлари бошқаларнинг қонини тўқиб ўз курсокларини тўлдирмоқ, ўзгаларнинг уйини ёндуруб, ўз қозонларини қайнатмоқ учун эди. Лекин унлар тилакларини улусга билдирмас эдилар. «Шарк халқи ваҳшийдир, уларни маданияшдурмақ учун борармиз», «Шарк халқи билимсиздир, унларга билим таркатмоқ учун борармиз», «Шарк халқини ҳоқ бўйруқларига[10] бўйсундирмақ учун борармиз», деб ўз ишчи ва дехконларини алдаб, бизим устимизга юборур эдилар. Унлар бу ёлгон баҳона ва сўзларни ёлғуз ўз аскарлари орасинда эмас, биз шарқлиларга ҳам уялмасдан айтиб туралар: «Сиз, шарқлиларга маданият йўқдир, сизлар ибтидоий ваҳший кишилар эурсиз, сизни ислох этмақ, тартиб бермақ, ўқутмақ, маданияшдурмақ керақдир, бу иш бизнинг (яъни Оврупанинг) вазифаларимиздир. Ер юзининг энг обдон бўлағи бўлган Шарқни ишга солмоқ, башарият дунёсининг энг катта йигини бўлган шарқлиларни ваҳшатдан қутқармоқ бизга фарздир. Мана шунинг учун биз (оврупалилар) Шарқга келдик. Шарқ ҳуқуматларининг бир қисмини олдик ва қолган қисмини ҳам олмақчи бўлуб тураимиз» деярлар. Бу сўзларнинг Шарқ тўғрисидаги бир қисми тўғридир. Воқеан, билимсиз қолмишдир, Шарқ Оврупага қараганда қўпдан-қўп орқада қолмишдир. Лекин Оврупанинг Шарққа маданият бериши ёлгондир. Оврупа жаҳонгирлари Шарқдан олган мамлақатларда тараккий ва маданият деган нарсани қатъиян кўргузмадилар, кўргузмаққа тиришмадилар. Оврупанинг бизга берадиган нарсалари белгилидир: сафохат, ахлоқсизлик, қумор ва шаробхўрлик. Шарқнинг дин ва одатларига қатъиян тўғри келмаган фоҳишахоналарни ўлкамизда Оврупа жаҳонгирлари очдилар. Бутун башарият ҳаётига, маишатига, ишига раҳналар солғучи шароб дўқонлари юртимизга шул Оврупа бойлари «ҳиммати» билан қурулди. «Фаранга»[11] деган кўркунч қасал Шарқга Оврупа жаҳонгирларининг босқинлари билан келди. Хулоса: Оврупа жаҳонгирлари Шарқга бугунгача ахлоқсизлик ва бузуқликдан бошқа бир нарса бермадилар.

Шарқга маданият мактаблари, инсоният мадрасалари очармиз деб қелган Оврупа жаҳонгирлари фоҳишахона ва майхонадан бошқа бир нарса очмадилар. Ажабо, Оврупа жаҳонгирлари бу ишларини билибми қилдилар, билмасданми қилдилар? Албатта, билиб қилдилар, жўрттага қилдилар. Унларнинг тилақлари бизга маданият бериб, бизда маориф тарқатиш, бизни тараккий этдурмақ эмас, турли фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ, бизнинг соғлиғимизни хароб этмақ ва уругимизни қурутуб, бизни ишдан қичармоқ ва ўз қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир. Унлар Шарқхалқини бутун йўқ қилиб, Шарқни ўзларига моя[12] қилмоқчи эрурлар: Оврупа жаҳонгирларининг бир «қулғули» ва «йўқ этур» сиёсатлари Шарқнинг муқулмон дунёсининг хар ёгинда бир турлигина жорийдир. Англиз бойлари Хиндустон халқини битирмақ учун қандай тадбирлар қўриб, қайси йўллар билан қетсалар, франсузлар Жазойир ва Тунис халқини битирмақ учун шулгина тадбирларни қўриб, шулгина йўллар билан қеталар.

Оврупа жаҳонгирлари Шарққа тутқан сиёсат йўллари шунлардир: Шарқнинг ахлоқини бузмоқ, қўнглини диний ва миллий муқаддасатиндан[13] совутмоқ, шарқлилар орасинда айрилик ва ёвлик солиб бир-бирларига қилич қечдурмақ, шарқлини ишсиз, ялқов, оч ва яланғоч қилиб ўзларига қул этиб олмақ, ювош-ювош шарқлининг қўлиндан ер ва қимматли нарсаларини юз турли хийлалар билан тартиб олмақ, Шарқ халқини турли

йўллар билан секин-секин йўк қилмок...! Англиз ва франсуз жаҳонгирлари томонидан Хитой, Хинд ва Мисрда очилган фохишахона ва майхоналар, йуборилган пўплар ва миссионерлар, очилган мактаблар, бариси шунинг учундир. Русия Николай ҳукумати бизнинг Туркистонимизда ҳам шул тадбирларини кўрмадими?

Оврупа жаҳонгирлари дунёнинг энг ёмон зулмини қилатуруб, ўзларини одил ва инсонпарвар айтдилар. Кани, кўрайлик-чи, бунлар бизнинг мусулмон ва Шарк дунёсига қандай адолат қонунлари тутуб, қандай инсониятпарварона ишлар қилганлар? Оврупа жаҳонгирларининг қоидалари, буюқ курсоклилари, Шарқдан кўб ер олганлари англиз ҳукуматидир. Шарқнинг олтув хазиналари бўлган Хиндустон китъалари англизлар жаҳонгирининг қўлидадир. Лекин бу ҳокимлик адолат қонунларига мувофиқ тенглик негизларига қараб кўрулмаган. Бу қаров қонли ҳокимликнинг асоси зулм ва инсофсизликдир. Хиндустоннинг эгалари бўлган ерли халқ билан кўнок бўлуб келган икки-уч кадрсиз англиз орасинда тенглик йўқдир. Хиндустонда ерлилар учун бошқа, англизлар учун бошқа маҳкамалар бор. Ерлилар учун айри зиндонлар, англизлар учун айри турмалар бор. Англизлар учун ясалган маҳкама, турмалар қонунли, адолатли, ҳафз сихатига[14] мувофиқ ва тинч ясалган. Ерлилар учун қурулган маҳкама ва зиндонлар эса тартибсиз, бузук, золимхона, қоронгу ва кўркунч бир шаклда қурулган. Ерлилар учун тузанган «жазо» қонунлари англизлар учун тузулган қонунлардан кўп фарқлидир. Бир пичок кўтариб юрган, бир англиз итига тош отган, бир товук ўғирлаган бир ерли тутулса, неча ойлик қоронгу ва қирли турмага буюруладир. Бир хиндлини ўлдурган, бир қонқани урган англизга эса энг қулай, энг қичкина бир жазо бериладир ёхуд авф этиладир. Хиндустонда бир англиз итига тош отиб, олти ой зиндонга буюрилган ерли кўбдир, лекин юз хиндлини ўлдуруб, қонун ёнинда масъул бўлган бир англиз топилмайдир. Англиз жаҳонгирларининг Хиндустондаги қилонлари Хиндустон халқини оқчасиз, яп-яланғоч кўюб халок этмақдир. Англиз ҳукумати Хиндустондан йилда 4 юз эллик миллиён сўм оладир. Оврўпанинг сиёсати қонунларига қараганда ҳар ўлкадан ҳукумат хазинасига қирган оқчанинг шул ўлканинг ободлиги ва таракқийси учун сарф бўлиши лозимдир. Англиз ҳукумати шул оқчадан миллиёнга сўмини Хиндустон маорифи йўлинда сарф қиладир. У ҳам Хиндустондаги англиз болаларини ўқутмок учундир. Икки юз миллиён сўмини Хинд англиз бўйунтуруги остинда сақлагучи Хинд аскаррийга сарф қилиб, қолганин ўз қопчугига тикадир. Шунча оқчадан Хиндустон халқи учун бир чақалик қойдў йўқдир. Ҳар йили Хиндустон халқининг юздан ўчтаси оқликдан ўлуб кетадир. Ўзларини инсоният ошиги атаган англиз жаҳонгирлари бунга қулубгина қарамоқдан бошқа иш кўра олмадилар. Уларнинг Хиндустонда қозониши қунда йигирма сўм, хиндлиники қунда бир сўмдир. Бунинг сабаби нимадир? Англизнинг қўлини бунча оқиб, хиндлининг қўлини бир-бирига боғлаган қимдир? Бир хиндлини бир англизча ишламақдан манъ қилган қувват қайси қувватдур. Шубҳа йўққим, англиз ҳукуматидир. Англиз жаҳонгирларининг Мисрда юрутган сиёсатлари Хинддаги сиёсатлариндан яхшироқ эмасдир.

Ўзларини дунёнинг энг маданият, энг инсофли ва инсонпарвар деб топилган Фарансия жаҳонгирларининг зулмларини кўрган қиши англизларга раҳмат айтмасдан тура олмайдир. Қирк-эллик йилдан бери усмонли ҳукуматиндан тортиб олдиги Тунис ва Жазойир мусулмонларига қарайлик, уларнинг қолларини кўз олдина кетурайлик. Фарансиянинг жаҳонгир ҳукумати ўзининг бутун маъмурлари билан Тунис, Жазойир мусулмонларини йўқ қилмок учун онт ичганга ўхшайдир. Хуррият, мусовот[15] ва ҳуқуқи

башарнинг бешиги бўлган Фарансиянинг конунлари Жазойир билан Тунис кунига солмаган, Тунис ва Жазойир хавосинда тириклик килиб юрган мусулмонлар хуррият ва инсоният хомийси бўлган – фарансузларнинг боғланган кўллари ва бўғозланган туткунлари эрурлар. Фарансиянинг энг якин бир кишлогинда солинган мактабининг изи ҳам Туниснинг энг катта бир шахринда топилмайдир. Фарансиянинг энг ахмок бир боласига берилган сўз эрки (сўз хуррияти) – Жазойирнинг энг улуг бир файласуфига ҳам берилмайдир.

Тунис, Жазойир мусулмонларига «хуррият», «хукук», «адолат» деган анко кушлари кўлга солмайлар. Фарансиянинг маъмурлари ва юзбошилари Тунис ва Жазойирга келганда илон каби огули, шайтондек ёвуз, сомондай енгил, «Корунга» ўхшаш бой бўлуб коларлар. Тунис ва Жазойир халкининг номуслари билан ўйнаб, жонлари билан тижорат килиб турарлар. Туниснинг экин ерлари мусулмонлариндан бутун олунуб фарансуз бойларига берилган, ерли халкнинг кўлинда экин ери сира колмаган, барисини фарансуз бойлари алдаб-сулдаб, кўркутиб, уриб олганлар.

Бу кун бутун Тунис экинчилари фарансузнинг энг кадрсиз хидматчилари бўлуб ишлайлар. Фарансузларнинг бутун фикрлари Тунис ва Жазойир мусулмонларини иш килиб йўкотмок ва унларнинг ерларига эга бўлмокдир. Оврупа жахонгирлари бир миллатни йўк килмок учун ҳаммадан бурун у миллатнинг миллий ва диний ахлокини бузалар. Ундан кейин миллий тилини чуруталар. Фарансузлар Жазойир ўлкасинда бу ёвуз фикрларини бироз юрута олмишлар. Бундан олти йил бурун Тунис ва Жазойирга саёхат учун боргани мисрли бир ёзгучи ўз саёхатномасинда шул сўзларни ёзадир[16]: «Фарансия бузуклиги Жазойирнинг кентларинда унча таъсир килмаган бўлса ҳам, шахар кишиларига хўб ёмон таъсир этган. Миллий ахлоқдарин, дан асар йўк, миллий тиллари йўкола ёзган, Жазойир халкининг бир бўлаги ўз тилларини сира билмайлар. Фарансузча гапуралар, бир бўлаги билсалар ҳам, тугал билмайлар. Гапурсалар сўзларининг ярими арабча, ярими фарансузча бўлуб чикадир. Яна шу мисрли сайёх айтадир: «Бир ягинчокларига[17] бордим. Ягинчокда хозир бўлган кишиларнинг бариси араб эди. Бирок сўйлашлари фарансузча бўлар эди. Танишларимдан бирига айтдимким: мана шул мажлисда бироз гапирсам бўлурми?»

Танишим: Кайси тилда гапурасан?

Мен: Арабча.

Танишим: Бунлар бирортаси ҳам арабчани онгламайдир.

Мен: Бунлар араб эмасларми?

Танишим: Араб, лекин ўз тилларини унутганлар...!

Мана шул сўзларнинг хар бири фарансузларнинг туб тилакларини яхшигина билдирадир.

Оврупалилар, айникса, фарансуз ва англизларнинг тилаклари бизни битирмакдир. Биз унларга канча дўст бўлсак, канча яхшилик килсак, ўз жонимизни йўлларинда курбон

этсак, яна бўлмас, унлар бизга яхши кўз билан карамаслар, бизни битирмак фикрини ташламаслар, ниятиким, умумий урушнинг биринчи йилларинда Тунис мусулмонлари Фарансия ҳукуматига мурожаат килдилар: «Канча аскар истасангиз берармиз, ҳаммамиз уруш майдонларига бориб ёвларингиз билан урушармиз, жонимиз ва молимиз билан сизга кўмакчи бўламиз. Сиз ҳам бизга ўз фарансузларингизга берилган ҳуқуқни берингиз! Бизга ўгай кўзи билан карамангиз, Фарансияда юрутулган адолат конунларини бизнинг ўлкада ҳам юритингиз, дейлар. Фарансия ҳукумати қабул этмади.

Хиндустонлилар ҳам шул урушда англиздарга канча хидмат килдилар, конларини англиз фойдаси йўлида сувдек тўқдилар. Хинд мусулмонлари ўзларининг халифалари бўлган Туркияга хужум этдилар, Дардония[18] ёнинда канча диндошларини шахид этдилар. Англиз ҳукумати ёлгузгина шул хинд окчаси ва шул хинд кўшуни[19] билан Олмония ва Туркияни енга билди. Уруш битгандан кейин англиз ҳукумати шул жонкуяр хиндлиларга қараб: «сизнинг кўмагингиз билан шунча иш бўлди, мана бу ҳақни олинг, сиз маним дўстларимсиз» дейдими? Албатта, йўк...! Бу кун хинд халқининг уйи яна шул англиз тўпи билан йиқилиб ётар, бу кун хинд улусининг боши яна шул англиз қиличи билан кесилиб турадир.

Шул беш йиллик уруэдда Эрон ҳукумати англиз йўлдошларига кўб яхшилик килди. Диндошлари бўлган туркларга кўшилмади, кўшилган қабилаларга «ёгий» деб қаради, ёв муомаласи килди. Англиз кўшинига йўл берди. Уруш битгач, малъун англизлар унга хўппокда[20] бермадилар. Эрон вақилини сулх мажлисига киргазмадиларким, Эрон истиклолини қабул этмадилар демақдир. Эрон шохини Лўндирага чақирдилар. Шох Лўндирага бориб, эҳтимолким, англиз қучи остинда Эрон истиклолининг ўлум коғозинда қўл қўйиб келар.

Русия императўрлик ҳукуматининг бизга қилган зулмлари англизнинг Хиндустонда қилган зулмлариндан қолишмас эди.

Оврупа жаҳонгирларининг бунча ҳақсизликлари, бундай ёвузликлари ёлгуз мусулмон дунёсига эмас, бутун Шарқга қарши эди. Неча юз йилдан бери чет ёкга чекилган «оч қорним, тинч қулогим» деб ўтурган сиёсат дунёсининг ҳеч бир ишига қатнашмаган Чин халқининг дағи роҳати шул Оврупа жаҳонгирлари томонидан бузулди. Бундан қирк-эллик йил бурун Жопўниё халқи ҳам шул Оврупа жаҳонгирлари томонидан эзилиб тура эди.

Оврупа жаҳонгирлари Шарқдан, тўғридан-тўғри ўз қўлларига ўткан ўлкаларигагина бу зулм ва бу инсофсизликларни қилмадилар. Бу кунгача қўлларига ўтмаган ўз бошли, мустақил Шарқ давлатларини ҳам эздилар, таладилар. Англиз, фарансуз жаҳонгирларининг Туркия ўлкасинда қилган ишлари давлатлар ҳуқуқига, инсоф ва адолат қонунига бутун муҳолифдир. Буқун ҳар эронлининг юрагини очиб қўрганлар англиз ханжари билан очилган қўб қараларни қўрарлар. Туркиянинг тошлар ва қесаклариндан ҳар бирини қўтариб қараганлар Оврупа қиличи билан тўқулган қон томчиларига учрарлар. Туркиянинг дохийий ишларига қўл узатмоқ, Туркиянинг тараккий йўлини боғламоқ, Туркия ҳукуматининг эътиборини йўқ қилмоқ оврупалиларга ўйинчок бўлуб қолган эди. Мустақил, бетараф ва сулҳчи бўлган бояқиш Эрон ўлкаси Англиз ва

Русия жахонгирларининг окчалари билан хозирланган ихтилол[21] ва исёнлар ва ўз бошли бўлган бу ҳукуматнинг дохилий ишларига кўл узатмоқга кимсанинг, «бошка бир давлатнинг» хаки йўқдир. Лекин, бу конун Шаркдавлатларига юрутулмайдир. Оврупанинг энг кадрсиз ва энг сойигсиз[22] кичкина бир ҳукумати бўлган Корабог ҳукумати Шаркни кадрли ҳукумати бўлган Туркиянинг дохилий ишларига котиша, кўл узота эди. Оврупанинг инсофи, маданий давлатлари унинг бу ишига кулубгина қарай эдилар. Тунис ва Жазойирда мусулмонларни сойимлиги ва муқаддас шайхлари хонакоҳ ичиндан тортилиб, дор ёғочига осиддилар. Туркияга тобеъ бўлган «Кариб»[23] отасиндаги мусулмонларнинг ёзугсиз болалари она кориндан чикатуруб ўтга солиндилар, мустикал бир Шарк давлати бўлган Эроннинг буюк мужтахид[24]лари Русия ва Англиз кўнсулларининг тилаклари билан дорга осиддилар. Николай ҳукумати замонида рус кўшини Имом Али Ризонинг[25] шарафина тўпга тутдилар, англизлар бутун мусулмон дунёсининг муқаддас имоми бўлган Хазрат Алининг равзасига[26] тўп отдилар, инсофли ва маданий (!) Оврупа давлатлариндан бирортаси ҳам товуш чикармади. Лекин Туркияда бир арманининг бурниндан ёлгондан қон чикганда Истанбул сохили Оврупа уруш кемалариндан тўлар эди. Бу маданий йиртгучилар Истанбулни олиб вахший мусулмонларни (!) у ердан қувмоқчи бўлар эдилар. Бунча зулм, бунча инсофсизлик ва бунча вахшийликдан Оврупа жахонгирларининг тилаклари ўлкалари олинмай қолган Шарк давлатларини ҳам битурмак, бутун Шарк ерларини олиб Шарк халқини қул қилмоқ эди. Бу иш Оврупа жахонгирларига бир оз қийин тушди. Шарк ҳукуматларини битурмак, Шарк ўлкаларини босмоқ қулай эди, бироқ олинган ўлкаларни ўзаро бўлушмак қийин эди. Қайси мойли бўлагини қим олар эди, суяксиз таъмили ўрунлари қимга теғар эди. Оврупа жахонгирларини кўбрак тушундирган нарса мана шул улашмоқ эди.

Оврупа жахонгирлари шул масъалани эсга олғач, ишлари қийинлашди. Мойли бир қесим эт устига йигилган оч итлар қаби бир-бирига қарашлари ўзгарди, кўзлари қотиша бошлади, хар бири ўзгасига отилмоқ, уни эзмак етади. Шаркнинг энг ёгли қисмлари бўлган Миср ва Хиндустон англиз кўлинда эди. Шунинг учун бошка жахонгир давлатлар шунга кўз тикдилар. Хар бирлари шул мойли қесимларни англиз тирноқ дариндан тортиб оларга тиришдилар. Русиянинг Туркистонни олиши, Фарансиянинг Мисрға истиклол тиловлари, Олмониянинг Туркияга яхшиликлари барчаси шул «Хинд учун қураш» деган масъаладан қикган эди. Йўқса, Фарансиянинг Миср мусулмонларига дўстлиги Олмониянинг Туркияга дўстлиги қаби ёлгон ва бўш эди. «Хинд учун қураш» деган масъала бора-бора улғайди, «Шарк учун қураш» шаклини олди. Оврупа жахонгирларининг хар бири бутун Шаркга ҳоким бўлмоқ учун ўзгасининг кўзини қикармоқчи эди. «Шарк» деган бу гўзал севгили хонимни бутун ўзиники қилиб олмоқ учун энг тиришган давлат Русия императўрлиги эди. Русия жахонгирлари Қафқас ва Туркистонни олгандан кейин Хиндустон сари икки йўл хозирлаган эдилар: «Истанбул ва Миср орқали Хиндустон», «Афғонистон ё Эрон орқали Хиндустон». Англизлар Русия жахонгирларининг бу тушунчаларини онглаган эдилар, Шунинг учун бор қучлари билан Афғон, Эрон, Бухоро, Туркия ҳукуматларининг ўз бошлилик (истиклол)ларини сақлашга тиришдилар, бироқ Русиянинг қучи қундан-қун қўпая бошлади. Русия шул қолга қелдиким, бу қун-эрта Хиндустонга юруш қиларини хар қим сезди, Хиндустонни англизлардан тортиб оларига хар қим ишонди. Бу «бало»дан қутулмоқ учун англизларга биргина йўл қолган эди: ишкилиб, Русиянинг бошига бир таёқ урмоқ. Англизнинг шайтон сиёсати учун бу иш қийин тушмади. Англизлар Жопўниёга ёндошдилар. Жопўниёни

Русия узра солдилар. Русия жахонгирлари тегишли таёкни Жопўниёдан еб, сулх килгандан кейин англиз билан онглашмок ва келишмакнинг кераклигини билдилар. Англизлар билан сўйлашиб онглашдилар, мушохадалар ясадилар.

Оврупа жахонгирлари бир йўла бир-бирлари билан ёв бўлуб, бир-бирига уруша берганда бунинг сўнгги ўзлари учун яхши тушмас эди. Шунинг учун баъзилари ўзаро сўйлашиб келишдилар, уюшмалар ясадилар. Русия, Англиз, Фарансия давлатлари бирлашиб «илашган уч давлат» («эътилофи мусаллас» давлатлари) бўлдилар. Олмониё, Италия, Австрия-Можористон давлатлари бирлашиб «уюшган бир давлат» («иттифоки мусаллас» давлатлари) ясадилар. Бу давлатлар сўздагина умумий сулхни сакламок, умумий урушнинг йўлини богламок учун ясалган бўлсалар ҳам хакикатда буюк ва санкарсиз бу уруш учун тайёрлик кўруб тура эдилар. Бу икки «давлатлар тўдаси» («хайъати дувалия»)-дан хар бир топкон бойликлариндан кўбрагини уруш яроклари тайёрламок йўлинда хормай, тинмай сарф килар эдилар. Билим ва хунарнинг кўмаги билан шахар сингари кемалар, томуг кўринишли тўплар, тог гавдали учгучлар ясаб тура эдилар. Бунларнинг бариси дунёнинг тараккийси учун эмас, кучсизларни эзмак учун, Шаркни ютмок учун эди. Боякиш Шаркнинг ютулмаган давлатлари ўзлари учун энг осигли йўл деб шуни топдиларким, Оврўпада бир-бирига карши ясалган шу икки тўдани орасиндаги душманликдан фойдаланиб, ўз борликларини сакласунлар. Бир кун англиз ва йўлдошларига ёлбордилар, бир кун Олмония ва ўртоқларига ялиндилар. Шул иш билан хурликли, коронгулар орасинда ўз борликларини саклай олдилар. Шарк ва Гарб ишлари шул йўлларда юруб келатурганда 1914 да Сарой ўрамлариндан биринда «серб» йигитининг тўппончасиндан бир учкун чикиб бутун дунё ёнгинига сабаб бўлди. Бутун Оврўпа жахонгирлари орасинда очилган бу конли уруш Шарк мазлумларига кўб яхши фурсат беради, Шаркнинг кутулиш соати келган эди. Шаркнинг бунда вазифаси катта-кичик, мусулмон, мажус демасдан бирлашмак: бир-бирининг конини ичиб турган Оврўпа йиртгучилари каршисиндан бир куч ва бир кўл бўлуб чикмок эди. Билимсиз колган Шарк бу тўгри йўлни кўра олмади. Бу фурсатни ҳам кочирмас. Шаркли яхшиликни унутмас. Шаркли сиздан бир яхшилик кўргандан кейин сизга тирсак кўрсатмас. Шаркда сармояга эътибор билан оврўпа даражасинда капитализмчилик йўқдир. Шарк Улуслари кўбчилик эътибор билан экинчи ва ишчи эрурлар. Шарк экинчилари орасинда рус алповутлари янглиг эгалари топилмайдир. Шунинг учун Шарк уйгонгач, сутсиолизм асослариндан каттиг суратда бош тортмас. Тўгрисини айтганда Русия хукумати Шарк билан келишмак ва иттифок этмакка мажбурдир.

[1] обдираб — довдираб, аланглаб.

[2] килисо — черков.

[3] Парис — Париж.

[4] ангел — фаришта.

[5] йиртгучи — йирткич.



[6] фас — Марказий Африка.

[7] осуг — фойда.

[8] охсум — Бу ўринда «хамла» маъносида.

[9] нухта — тизгин.

[10] хоч буйруклари — насронийлик талаблари.

[11] фаранга — таносил касаллиги.

[12] моя — сармоя жойи.

[13] мукаддасатин — кадрийатлар.

[14] хафз сихати — гигиена коидалари.

[15] мусовот — тенглик.

[16] ёзакдилар — қаратдилар.

[17] ягинчок — клуб.

[18] Дардония — Дардонел бўғози.

[19] Инглизларнинг Хиндистон ҳисобига орттирган бойликлари назарда тутилади.

[20] хўппок — ҳеч нарса, ҳемири.

[21] ихтилол — инкилоб.

[22] сийгсиз — фойдасиз.

[23] Кариб — орол номи.

[24] мужтахид — жиходга кирган.

[25] Имом Али Ризо — татар олими ва адиби Ризо Фахруддин.

[26] Ҳазрат Али равзаси — Ҳазрат Али барпо қилган бог.